

«27» октябр 2022 йил

Дангара ш-си

« Наримон Кахрамонович » х/к кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар О.Туланов номидан, бир томондан ва Дангара ШИРРУК кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар З.Иқомов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйдагилар хақида туздилар.

### I. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ.

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи»га шу белги устуллари ўрнида кейинги ўринларда-«Ишлар» деб юритилади.) ишларни бажариш, «Буюртмачи» ушбу «Ишлар»ни қабул қилиб ва қийматини тўлаш мажбурятини ўз зимасига олади.

1.2. «Ишлар»нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек ишларни бажарилиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади:

т/р	Ишнинг номи	Бошланғич нархи	Шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан (битим суммаси)
1	Стойка металлическая дорожного ограждения	250000	77500000
	<b>Жами:</b>		

1.3 Шартноманинг умумий суммаси **77 500 000** (етимиш етти миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

1.4. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: 2022 йил «22» октябр Тугаши: 2022 йил «1» ноябр «Бажарувчи» ишларни муддатидан олдин бажариш ҳуқиқига эга.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРЯТЛАРИ.

2.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. «Бажарувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш:

2.1.2. «Бажарувчи»дан «Ишлар» «Буюртмачи»нинг ҳисобига транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш:

2.1.3. «Бажарувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар»ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Ишлар» кўрсатилишини.

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» кўрсатилган тақдирда ўз танлашига қура:

- зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» шунга ўхшаш «Ишлар» билан алмаштирилишини:

- «Ишлар»нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан туғирланиши харажатларини қоплашни:

- баҳосининг мутаносиб таризда қайтарилишини талаб қилиш:

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплашини «Бажарувчи»дан талаб қилиш.

2.2. «Буюртмачи»нинг мажбурятлари:

2.2.1. Ўз буюртмаси бўйича кўрсатилган «Ишлар»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш:

2.3. «Бажарувчи» куйдаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган «Ишлар» учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Буюртмачи»дан талаб қилиш:

2.3.2. Белгиланган буюртманоммага мувофиқ кўрсатилган «Ишлар»ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарарни қоплашини «Буюртмачи»дан талаб қилиш

2.4. «Бажарувчи» куйдагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи»га «Ишлар»ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.8- бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртмасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш:



2.4.2. Агар «Ишлар»ни бажариш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган, «Буюртмачи» нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

### **III. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **77 500 000 (Етимиш етти миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади. Бажариладиган «Ишлар»нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган «Ишлар» учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибида ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. «Буюртмачи» мазкур шартномани Данғара тумани бўйича Ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасининг 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбурятини олади, қолган 70% ини бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сунг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

### **IV. КАРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

4.1. Тарафлар шартномадаги каррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган каррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

4.2. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши евазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф етилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир етмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

4.3. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладаи, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка ега бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойий фаолиятдаи олинган даромад еканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий егалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) каррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундан, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

4.4. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига ега бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;



- каррупциявий харакатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва каррупциявий харакатларга нисбатан мурасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан каррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

4.5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан каррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

4.6. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг каррупцияга қарши кўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақида зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## **V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.**

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этилишига ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. «Ишлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган «Ишлар»ни қабул қилишини рад этишга ҳақлидир.

5.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда «Ишлар» кўрсатилиши ушбу ассортимента кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган «Ишлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралди ва кўрсатилмаган «Ишлар»нинг ўрни тўлдирлиши керак, бундай «Ишлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

5.6. Бажарилган «Ишлар» бевосита «Буюртмачи» нинг маъсул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилнади. Далолатномада бажарилган «Ишлар» ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

5.7. Шартномада назарда тутилган «Ишлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» нинг бюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» Бюртмачиларнинг бюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Бюртманома «Ишлар» нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мулжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Бюртманомани чопар орқали қабул қилишда «Бажарувчи»нинг ходими «Буюртмачи»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

5.8. «Буюртмачи» илгари берилган бюртманомани бекор қилишга ёхуд «ишлар» нинг тегишли қисимларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳолда «Бажарувчи»ни бюртманомада кўрсатилган сана бошланишдан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## **VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

6.1. Бажарилаётган «Ишлар» сифати, ҳажми «Бажарувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланадиган



тақдирда «Бажарувчи» бажарилаётган «Ишлар» нинг сифатини, шунингдек уларнинг хажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари бюуртамчига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.2. Агар бажарилган «Ишлар»нинг сифати, ассортиментни, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (Эталонларга) ёки белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Ишлар» кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.3. «Ишлар» кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбурятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи» «Буюрмачи»га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган «Ишлар»нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, «Бажарувчи» «Буюрмачи»га «Ишлар» бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

6.4. Ишлар бажарилиш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюрмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган «Ишлар» кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбурятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажарилишидан ва «Ишлар» бажарилиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишдан озод этилади.

6.5. Бажарилган «Ишлар» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюрмачи» «Бажарувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.6. «Буюрмачи» томонидан тегишли шартномаация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюрмачи»ни жавобгарлика тортиш шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаркатсизлиги) «Буюрмачи» томонидан шартномаация шартномаси бўйича шартнома мажбурятлари бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. «Бажарувчи» нинг айби билан шартномаация шартномаининг «Буюрмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

6.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

6.8. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлари ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади.

#### **VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича иктисодий суд орқали хал қилинади.

#### **VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.**

8.1. Мазкур шартнома 2022 йил \_\_\_ - \_\_\_\_\_ 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасига муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### **IX. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ.**

9.1. Мазкур Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб Данғара тумани бўйича Ғазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

#### **X. ФОРС-МАЖОР.**



10.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўладиган куч, яъни фавкулотда муайян шароитда олдин олиб бўладиган вазиятлар (табiiй офатлар, ноқулай об-хаво шароити, давлат тадбирлари, ҳокимят органларининг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартиб бузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлади.

10.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлари фалоятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги Қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

### XI. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР.

11.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

11.2. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

11.3. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

### XII. ТОМОНЛАРИНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«БАЖАРУВЧИ»
Ташкилот номи: <b>Наримон Кахрамонович х/к</b>
Манзил: Учқурик тумани Куконбой
Телефон: 911553050
СТИР: 301966387
ОКОНХ: _____
<b>X/P: 202008000904909707001</b>
Банк номи: КУКОН Ш.УНВЕРСАЛ БОШ ОФЕСИ
МФО:0973
Раҳбар: _____
М.Ў. _____ (имзо)

«БУЮРТМАЧИ»
Дангара ТЙФУК
Манзил Дангара тумани Саноат кучаси 14 а уй
Тел.: 73 572 11 66
СТИР: 200 166 175
ШХВ: 470010860302367045193118001
ОКОНХ: 42110
Молия Вазирлиги Газначилиги
х/р: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошкармаси МФО: 00014
Газначилик бўлими маси ИНН рақами: _____
_____ (имзо)



Хуқуқшунос Лицензия (диплом) № 007208

Имзоланган сана: 25.10.2022

Юридикансўлат: \_\_\_\_\_ А.А.Чсмонов

21.02.2022 й.